

## **RISKS AND THEIR IMPACT ON THE FINANCIAL STABILITY OF INSURANCE COMPANIES**

Annotation. The article discusses the main and decisive factors affecting the insurance market, the financial viability of insurance companies and competitiveness in a market economy. A lot of research has been done on the classification of ulcers, as well as the risks associated with reducing the negative impact on the financial stability of insurance companies.

**Key words:** insurance companies, financial recovery, primary and secondary factors, risks, investment activity.

In the market environment, any business activity depends on the risks involved. Now there are also technogenic, political and social factors that can have a negative impact on the activities of economic entities. For this reason, the task of minimizing the risks associated with income reductions is also a task. Such protection is provided by insurance companies. The main purpose of the insurance business risks is to ensure the financial recovery and competitiveness of the insurance company.

Financial recovery factors are the factors affecting the company's condition and the degree of financial recovery. The degree of financial recovery is determined by many factors, and every single internal and external factors can be devastating. Any factor can have a significant impact on the financial position of the dominant division and insurance companies. Usually, the main focus is on the internal environment of the organization as young people can have a significant impact on their recovery.

In addition, it is worth noting that insurance companies are at risk of two types of insurance: one insurance company earns a lot of money from each other under insurance and reinsurance contracts. The risks are shared by the ad. And the negative effects of such insurance slow down the financial recovery of insurance companies.

It should be noted that although insurance companies have assumed the existence of risk management since their inception, the first models of risk assessment in history were introduced by individual insurers in the 1980s.

The need for risk management and risk management in insurance companies is due to the complex nature of their exposure. In addition, previously unlikely financial crises and various natural disasters have led to inadequate accounting of the risks they face. Therefore, the high level of losses that may adversely affect the financial sustainability of insurance companies necessitates the need to study and manage risks. While it is possible to see that active risk management methods are used when examining the financial performance of foreign insurance companies, this activity has not been developed due to the lack of organizational, economic, methodological and methodological framework for risk research and management in national insurance companies.

insurance companies have greater influence on market risks, that is, unexpected changes in prices in the markets. At the same time, the risks inherent in insurance contracts are a high priority risk group for insurance companies. Qualitative

management of such risks, creation of effective system of their mitigation is the main task of any insurance company. In addition, liquidity risk is one of the rarest risks in insurance companies. In addition, insurance companies are more susceptible to operational risks (as opposed to credit risks), and their impact is now increasing. Operational risk is the risk arising from errors in the management system and the operations.

Under current law, insurance "means the protection of their interests by paying insurance indemnity (insurance benefit) in accordance with an insurance contract in the event of a certain event (insurance event) arising from insurance premiums paid by legal entities or individuals, as well as from other funds of the insurer." ]

Conclusion. Thus, insurance companies play an important role in covering losses, and the current rapid economic development is increasing the need for insurance services. By insuring, citizens and businesses have the financial risk of their risks being transferred to insurance companies, which is reflected in the risk function of insurance.

According to the foregoing, this particular feature of the insurance business raises the urgency of the issue in the article, requiring insurance companies to study the insurance mechanism as a risk management method, despite the fact that it operates under a number of risks. This is because a well-designed and effective system of risk prevention and management is an important factor in ensuring the financial sustainability of the insurer.

Н.М.Бабаева – Қўқон ДПИ, и.ф.н., доцент

## РИСКЛАР ВА УЛАРНИНГ СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

*Мақолада бозор иқтисодиёти шароитида суғурта компаниялари фаолиятининг ўзига ҳослиги, уларнинг молиявий барқарорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашга таъсир этувчи бирламчи ва иккиламчи омиллар ўрганилган. Шунингдек суғурталовчиларнинг молиявий барқарорлигига негатив таъсир этиб уни пасайтириши кучига эга бўлган рисклар тушунчаси ва уларнинг таснифланишидаги турлари кўриб чиқилган.*

**Таянч иборалар:** суғурта компаниялари, молиявий барқарорлик, бирламчи ва иккиламчи омиллар, рисклар, инвестицион фаолият.

## РИСКИ И ИХ ВЛИЯНИЕ НА ФИНАНСОВУЮ УСТОЙЧИВОСТЬ СТРАХОВЫХ КОМПАНИЙ

*В статье рассматриваются основные и решающие факторы, влияющие на страховой рынок, финансовая жизнеспособность страховых компаний и конкурентоспособность в рыночной экономике. Было проведено много исследований по классификации язов, а также рисков, связанных с уменьшением негативного влияния на финансовую устойчивость страховых компаний.*

**Ключевые слова:** страховые компании, финансовое оздоровление, первичные и вторичные факторы, риски, инвестиционная деятельность.


### Кириш

Бозор шароитида ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти муқаррар равишда ҳавф – хатарлар билан боғлиқ. Ҳозирги кунда хўжалик субъектифаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган табиий офатлардан ташқари техноген омиллар, сиёсий ва ижтимоий омиллар ҳам мавжуд. Шу сабабли, даромадни кўпайтириш билан бирга рискларни минималлаштириш вазифаси ҳам долзарбдир. Бундай ҳимоя суғурта ташкилотлари томонидан таъминланади. Суғурта бизнесида рискларни бошқаришнинг асосий мақсади суғурта компаниясининг молиявий барқарорлиги ва бозордаги рақобатбардошлигини таъминлашдир.

Молиявий барқарорлик омиллари – бу компаниянинг ҳолатига, унинг молиявий барқарорлик даражасига таъсир қилувчи кучлардир. Молиявий барқарорлик даражаси кўплаб омиллар билан белгиланиб, уларнинг барчасини ички ва ташқи омиллар гуруҳларига ажратиш мумкин[5]. Ҳар қандай омил доминант бўлиши ва суғурта компаниясининг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Одатда, асосий эътибор ташкилотнинг ички муҳити омилларига қаратилади (1-расм), чунки улар бошқарувга таъсир кўрсата олади.

Бундан ташқари, шуни унутмаслик керакки, суғурта компаниялари деярли икки томондан рискларга дуч келади: бир томондан улар турли хил суғурта ва

қайта суғурта шартномаларига мувофиқ ўзларига бировларнинг рискларини олишади, иккинчи томондан инвестицион ва бошқа фаолияти юзасидан киритилган маблағларини қайтмаслиги ёки даромадни етарлича оломаслиги билан боғлиқ бўлган молиявий рискларга эга бўлиб қолишади. [3]. Ва рискларни бундай негатив таъсири суғурта компанияларнинг молиявий барқарорлигини пасайтиради.



**1-расм. Суғурта компаниялари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар<sup>1</sup>**

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

### **Мавзуга оида адабиётлар шарҳи**

Ушбу мавзунинг Ўзбекистон ва хорижда ўрганилганлик даражаси сезиларли даражада фарқ қилади. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда суғурта бозори иқтисодиётнинг стратегик соҳаси ва инвестиция капиталининг энг катта манбаи эканини тушуниш анча олдин юзага келган. Nortkot D., Xempton D.D., Sharp U., J.V.Beyli, Fransua Dj., Devis E.P. каби хорижлик олимларнинг XX асрда ёзилган илмий асарлари суғурта ташкилотларининг инвестицион фаолиятининг назарий ва амалий жиҳатларига бағишланган. Суғуртачиларинг инвестицион фаолиятини шакллантирилишини ёритиб беришга бағишланган замонавий хорижий тадқиқотлар орасида суғурта компанияларининг молия бозорларидаги ролини аниқлаш, шунингдек, ушбу соҳада ривожланиш прогнозлари ва ривожланиш тенденцияларини аниқлаш мумкин. Grundl H. va Dong M., Robbins EL va Bush R.N., Piljan I., Puttgen F. ва Gruner A., каби муаллифлар ишлари шулар жумласидандир. Макро ва микро даражадаги суғурта ташкилотларининг инвестицион фаолиятининг турли жиҳатларини рус олимлари С.Н.Асабина, И.Т.Балабанова, Е.Ф.Жукова, О.А.Забелина, Е.И.Ивашкина, И.А.Краснова, В.И.Рябкина, В.А.Сухова, В.В.Шахов ва бошқалар.

Миллий иқтисодчилар орасида инвестициялар ва суғурта ташкилотларининг инвестицион фаолияти масаласига А.Х.Химатов, М.Шарифходжаев, И.И.Искандаров, Р.М.Мухитдинов, А.Вахобов, А.А.Абдуғаниев, С.С.Ғуломов, А.Турдиев, И.Х.Абдурахмонов, Д.Азобеков, Н.М.Юсупова, Ш.Т.Юлдошева ва бошқа муаллифлар ўз илмий ишларида тўхталиб ўтганлар.

### **Таҳлил ва натижалар.**

Таъкидлаш жоизки, суғурта компаниялари пайдо бўлганлариданоқ риск – менежментни мавжудлигини назарда тутган бўлсаларда, тарихда халокатли рискларни баҳолашнинг биринчи моделлари 1980-йилларда индивидуал суғурталовчилар томонидан жорий қилинган.

Суғурта компанияларида рискларни ўрганиш ва тизимли бошқариш зарурати уларнинг намоён бўлишининг мураккаб табиатидан келиб чиқади. Бундан ташқари, илгари пайдо бўлиш эҳтимоллиги паст ҳисобланган молиявий инкирозлар ва турли табиий офатлар, улар келтирадиган хавф – хатарни тўлиқ ҳисобга олинмаслигига олиб келган. Шу сабабли суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатадиган зарарлар мавжудлигининг юқори даражаси рискларни ўрганиш ва уларни бошқариш зарурлигини тақозо этади. Хорижий суғурта компанияларининг молиявий фаолияти ўрганилганда рискларни бошқаришнинг фаол усуллари қўлланилаётганини кўриш мумкин бўлса, миллий суғурта компанияларда рискларни ўрганиш ва бошқаришнинг ташкилий ва иқтисодий шарт – шароитлари, услубий ва методологик базаси мавжуд эмаслиги сабабли бу фаолият ривожланмаганлиги кузатилмоқда.

Риск (таваккалчилик, хавф - хатар) тушунчасига изоҳ берадиган бўлсак, шуни айтиш мумкинки, ушбу тушунчани умумий талқин қилинишида олимлар илмий ишларида ҳеч қандай номувофиқликлар ёки келишмовчиликлар мавжуд эмас. Уларнинг фикрича, "риск – бу корхона, ташкилот фаолияти билан боғлиқ бўлган ноаниқликлар сабабли юзага келадиган йўқотишларнинг эҳтимоллиги ва хажмини тавсифловчи икки ўлчамли кўрсаткичдир" [3].

Суғурта компаниясининг рискларини таснифлашда техник, техник бўлмаган ва инвестицион рисклар, каби махсус рискларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шунини таъкидлаш керакки, бундай тасниф Европа суғурта қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган.


Ҳозирда республикамызда суғурталовчилар рискларини таснифлашга оид бирор ҳуқуқий меъёрий ҳужжат мавжуд эмаслиги сабабли, уларни турли олимлар турлича гуруҳларга ажратишмоқда. Суғурта рискларининг асосий гуруҳларини қўйидагича тақдим этиш мумкин (2-расм).



Расм 2.Рискларни таснифлаш<sup>2</sup>

Таъкидлаш керакки, Халқаро суғурта назорати ассоциацияси суғурта компанияларининг қўйидаги рискларга дуч келишини баҳоламоқда (2-расм).

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган



**Расм3. Суғурта компанияларнинг турли рискларга таъсирчанлиги<sup>3</sup>**

Юқоридаги (3-расм) диаграммадан кўришиб турибдики, суғурта компанияларга бозор рискларининг, яъни бозорларда нархларни кутилмаган ҳолатларда ўзгаришининг таъсири юқорироқ. Шу билан бирга, суғурта шартномалари бўйича қабул қилинган рисклар ҳам суғурта компаниялари учун устувор хавф – хатар гуруҳидир. Бундай рискларни сифатли бошқариш, уларни камайтиришнинг самарали тизимини яратиш- ҳар қандай суғурта компанияси учун асосий вазифадир. Шу қаторда, ликвидлик rischi суғурта ташкилотларида кам учрайдиган рисклардан ҳисобланади. Бундан ташқари суғурта компанияларини операцион рискларга нисбатан таъсирчанлиги (кредит рискларидан фарқли улароқ) юқори даражада бўлиб, уни таъсир этиш кучи ҳозирда ортиб бормоқда. Операцион риск – бошқарув тизимидаги, операцияларни амалга оширишдаги хатоликлар туфайли юзага келадиган рискдир.

Амалдаги қонунчиликда суғурта деганда “юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шунингдек суғурталовчининг бошқа маблағларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади”[1].

**Хулоса.** Шундай қилиб зарарларни қоплашда суғурта компанияларининг аҳамияти катта ва иқтисодий ҳозирги жадал ривожланиши суғурта хизматларига бўлган эҳтиёжни тобора ошириб бормоқда. Суғурталаш орқали фуқаролар ва корхоналар ўз рискларининг молиявий оқибатларини суғурта

<sup>3</sup> Суғурта компаниялари фаолиятини таҳлил қилиш асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган



компанияларига оширишади, бу эса суғурталашнинг таваккалчилик функциясида намоён бўлади.

Юқоридаги маълумотларга мувофиқ шуни айтиш мумкинки, суғурта бизнесининг ушбу ўзига ҳос хусусияти мақолада кўтарилаётган масаланинг долзарблигини ошириб, суғурта компанияларини ўзини бир қатор рисклар таъсирида ишлашига қарамай, суғурталаш механизмини рискни бошқариш усулларида бири сифатида ўрганишни тақозо этади. Чунки рискларни олдини олиш ва бошқаришнинг тўғри ва самарали ишлаб чиқилган тизими суғурталовчининг молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим омили ҳисобланади.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 2002 йил 5 апрель, 2012 йил 11 апрелдаги ЎРҚ-323-сонли Қонун билан ўзгартиришлар киритилган) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2012 уй.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори. ПҚ – 4412, 2019 йил 2 август
3. Зобова Е.В. Финансовые основы функционирования страховой компании // Социально-экономические явления и процессы. 2011. № 3/4. С. 94-100.
4. 16. Казак А.Ю., Слепухина Ю.Э. Финансовые риски в страховом бизнесе: модели и методы оценки // Известия Уральского государственного университета. 2010. № 2(77). С. 75-89.
5. Krenn G, Oschischnig U. Systemic risk factors in the insurance industry and methods for risk assessment. URL: [http://www.oenb.at/en/img/fsr\\_06\\_risk\\_factors\\_tcm16-9500.pdf](http://www.oenb.at/en/img/fsr_06_risk_factors_tcm16-9500.pdf) (дата обращения: 08.12.2013)